

**Шадиева Гулнора Мардиевна,**

Самарқад иқтисодиёт ва сервис институти,  
иқтисод фанлари доктори, профессор

# МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАҚСАДЛАРИ ВА ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

УЎК: 338.24:378.6.01

DOI: 10.34920/SO/VOL\_2023\_ISSUE\_1\_2

## **ШАДИЕВА Г.М. МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАҚСАДЛАРИ ВА ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш каби масалаларга бағишиланган.

Таянч сўз ва тушунчалар: олий таълим, мутахассис, сифат, таълим самарадорлиги, педагог кадрлар, инновацион фаолият.

## **ШАДИЕВА Г.М. ЦЕЛИ И ВАЖНЕЙШИЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В НАШЕЙ СТРАНЕ**

В данной статье рассматриваются вопросы определения приоритетных направлений системного реформирования системы высшего образования в Республике Узбекистан, поднятия на новый качественный уровень подготовки высококвалифицированных специалистов, обладающих современными знаниями и высокими морально-этическими качествами, модернизации высшего образования, развития социальной сферы и отраслей экономики на основе современных технологий.

Ключевые слова и понятия: высшее образование, инновации, качество, качество образования, педагогическое развитие, инновационная деятельность.

## **SHADIEVA G.M. THE GOAL AND THE MOST IMPORTANT DIRECTION OF THE DEVELOPMENT OF HIGHER EDUCATION IN OUR COUNTRY**

This article discusses the issues as an all-sided direction of the systematic reform of the higher education system in the Republic of Uzbekistan, to prepare highly qualified students with modern knowledge and high moral and ethical qualities, to raise to a new level in terms of quality, to modernize higher education.

Key words and concepts: higher education, innovations, quality, quality of education, pedagogical development, innovation activity

### **Кириш.**

Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Конуни<sup>1</sup> муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий ривожланишининг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Худудларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассислари ҳамда сиртқи ва кечки бўлимларнинг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши мазкур йўналишдаги муҳим ислоҳотлар ҳисобланади<sup>2</sup>.

Бу эса таълим тизими олдида ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга, мустақил қарор қабул қила оладиган ва замонавий технологияларга тез мослашишга лаёқатли, юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш вазифасини қўяди.

**"Олдимиизда турган энг муҳим ва долзарб масалалардан бири – юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборат эканини барчамиз**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Конуни. 2020 йил 23 сентябрь. <https://lex.uz/docs/5013007>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамравли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сон қарори.

яҳши тушунамиз"<sup>3</sup> деб таъкидлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ривожланган мамлакатларда таълим самара-дорлиги, тараққиётининг 16 фоизи – моддий-техника базага, 20 фоизи – ресурсларга, 64 фоизи – инсон омилига боғлиқ<sup>4</sup>. Бу учала омил бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, таълим-тарбия моддий-техника базаси мавжуд ресурслардан, имкониятлардан оқилона фойдаланиш инсон манфаатига хизмат қиласи ва рационал ривожланишини белгилаб беради.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда таълим самарадорлигини ошириш, педагог кадрларни инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидағи ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш каби масалаларга олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифа сифатида қараш талаб этилади.

### **Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.**

Олий таълим соҳасидаги инновацион жараёнларнинг кечишига оид турли хил муаммоларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилишга Японияни олий таълим тизимини бошқариш муаммоларини Н.П.Дронишине<sup>5</sup> олий ўқув юртларини илмий йўналишдаги ҳамкорлиги масалаларини Н.Л. Зайцев<sup>6</sup> олий таълим тизимида мутахассис кадрларни тайёрлаш сифати ва бу жараённи бошқариш М.И.Иродов<sup>7</sup> илмни бошқаришни АҚШ

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Тадбиркарлар ва ишбиларманлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси. 21 октябр, 2016 йил. «Халқ сўзи», 2016 йил 22 октябр.

<sup>4</sup> <http://data.worldbank.org/indicator> .

<sup>5</sup> Дронишине Н.П. Проблемы управления системой высшего образования в Японии // Университетское управление. - 2002. - 1. - С. 70-79

<sup>6</sup> Зайцев Н.Л. Эканомика, организация и управление предприятием: Учеб.посабие. - 2-е изд. - М.: ИНФРА-М, 2008. - 455 с

<sup>7</sup> Иродов М.И., Разумов СВ. Создание системы управления качеством подготовки специалистов в ВУЗе // Университетское управление. - 2003. - 2. - С. 90-95.

тажрибасини ўрганган М.М.Иванов<sup>1</sup>, инсон ресурсларини бошқариш бўйича И.К. Макарова<sup>2</sup>, олий таълим тизимида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг Россия тажрибасини ўрганган А.Панова<sup>3</sup> ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Таълим беришнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самарадорлигини баҳолаш муаммосининг айрим назарий жиҳатларини ўрганиб чиқишига Қ.Х.Абдураҳмонов<sup>4</sup>, сўнгги йилларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалаларига бағишланган илмий ишлар А.Н.Арипов<sup>5</sup>, инсон ресурсларини бошқариш, кадрларни тайёрлаш, олий таълим тизимида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш масалаларига, персонални бошқаришда хорижий мамлакатлар тажрибаси Д.Н.Рахимова<sup>6</sup> замонавий шароитда олий таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш масалаларига Б.Ю.Ходиев<sup>7</sup> каби Ўзбекистонлик етук олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида, асарларида, мақолаларида ўрганилган ва ёритилган.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, мақоланинг мақсади мамлакатимизда олий таълимни ривожлантиришнинг мақсадлари ва энг муҳим устувор йўналишларини тадқиқ ва таҳлил этишдан иборат.

Мақоланинг илмий моҳияти унинг олий таълим тизимини стратегик ривожлантиришга қаратилганлиги билан асосланади.

<sup>1</sup> Иванов М.М., Калупаева СР., Качеткав Г.Б. США: управление наукой и нававедениями. — М.: Наука, 1999. — С. 23

<sup>2</sup> Макарова И.К. Управление человеческими ресурсами: пять уроков эффективного HR - менеджмента. - М.: Дело, 2007. - 232 с

<sup>3</sup> Панова А. О структуре управления и принятии решений в российских вузах // Вопросы экономики. - 2007. - 6. - С. 94-105

<sup>4</sup> Абдурахманов К.Х. Мехнат иқтисидиёти (назария ва амалиёт). Олий ўқув юртлари учун дарслик. - Т.: Mehnat, 2004. - 672 б.

<sup>5</sup> Рахимова Д.Н., Арипов А.Н. ва бошқалар. Замонавий менежмент: назария ва амалиёт- Т.: Faфур Ғулам ижъдий уйи, 2011. – 56,7 б.т

<sup>6</sup> Рахимова Д.Н., Касимова Н. Принципы управления персоналом в Японии. Потенциал современной науки. 2016. №4(21). С.111-117

<sup>7</sup> Ходиев Б.Ю. Совершенствование системы управления вузами в современных условиях // Иқтисодиёт ва таълим. - 2003. -1. - С. 14-20

Тадқиқотнинг обьекти бўлиб, мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари хизмат қиласи.

### Тадқиқот методологияси.

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни ривожлантириш бўйича олимлар томонидан олиб борилаётган тадқиқодларни ўрганиш, маълумотларни тўплаш, тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш, синтезлаш, мантикий фикрлаш каби тадқиқот усусларидан кенг фойдаланилди.

### Таҳлил ва натижалар.

"Барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш" 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг асосий вазифаларидан биридир<sup>8</sup>.

Қуйидагилар олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ҳисобланади:

- мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш;

- олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш;

- соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, унинг жозибадорлигини ошириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълим тизимини

<sup>8</sup> Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5544-сон Фармони. / «Ҳалқ сўзи», 2018 йил 22 сентябрь.

**1-расм. Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари.**

- юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига **кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш**;
- олий таълим муассасаларининг **молиявий мустақиллиги** ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш;
- олий таълим муассасаларини **тизимли ривожлантириш** ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;
- коррупцияга қарши курашиш, шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизmlарини жорий этиш;
- олий таълим тизимининг инвестициявий **жозибадорлигини ошириш**, ҳалқаро миқёсда танилиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш.

ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари асосий ўринга қўйилган.

Шу ўринда олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишларга эътиборимизни қаратамиз (1- жадвалга қаранг).

1-расм маълумотларининг биринчи бандида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда кейинги уч йилда олий таълим муассасалари сони 65 тадан 117 тага етди, қабул ўринлари 66 мингтадан 181 мингтага ошди. Уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Хорижий мамлакатлар билан қўшма таълим дастурлари доирасида 64 та янги касб бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.


Профессор-ўқитувчиларнинг маоши ўртacha 3,5 бараварга оширилди. Бунинг натижасида олий таълим муассасаларининг илмий даражалари ҳам ортиб қўйидаги қўринишга эга бўлди (2-расм).

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида сифат ва рақобатбардошликка эришиш долзарб масала ҳисобланади. Мамлакатимизни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш асосий вазифалардан биридир.

Айниқса, олий таълимнинг бюджетдан ташқари маблағларга қарам бўлиб қолиши, ўз-ўзини молиялаш механизмининг янги усулларини қўллашга мажбур бўлиши замонавий олий таълимда рўй бериши мумкин бўлган оддий ҳақиқатга айланган. Бу эса стратегияларни аниқлаштириб олиш ва уни муваффақиятли амалга оширишни таъминлаш зарурлигини тақозо этади.

Олий таълим муассасаси стратегияси – макро ва микроиқтисодий шарт-шароитларни

## 2-расм. Олий таълим тизимининг жорий ҳолати.



Ҳисобга олган унинг аниқ жорий даврда ривожланиш мақсад ва вазифаларини аниқлаб берувчи восита ҳисобланади. Стратегия, дастлаб, хусусий секторда кенг тарқалган бўлиб, доимо ўзгариб келаётган ташқи муҳитга самарали жавоб қайтариш учун, давлат секторлари ва нотижорат ташкилотларида қўлланила бошланганлиги<sup>1</sup> бунинг яққол далилидир.

Стратегиялар олий таълим муассасасининг асосий йуналишлари ҳисобланган ўқитиш, илмий тадқиқот ва талабалар масалалари бўйича белгиланади. П.Чадвикнинг таъкидлашича, университетлар ўзларининг таълим жараёнлари, ўқитиш ва ўргатиш, илмий тадқиқот каби фаолиятлари бўйича сифатни оширишга жавобгарликлари ошиб бораркан, академик ходимларнинг таълим жараёнларини янада кенгроқ тушуниб боришлари лозим бўлади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Лутфуллаев. Олий таълим муассасасида сифатни ва ракоғатбардошликни таъминлашда стратегик режалаштиришнинг аҳамияти. // <http://www.erasmusplus.uz/images/shared/file/HEREs%20publication%202018202.pdf>

<sup>2</sup> Chadwick, P. (1996), "Strategic management of educational development", Quality Assurance in Education, Vol. 4 No. 1, pp. 21-5.

Шу тариқа стратегик режа ва вазифалар аниқлаштириб олингандан сўнг, стратегияни амалга ошириш босқичида, "ишга киришиш" жараёни бошланади. Эришилган натижалар баҳоланади ва қайта кўриб чиқилади. Дунё олий таълим муассасаларининг аксариятида стратегик аниқ мақсад ва вазифалар белгиланиб, уни амалга ошириш учун стратегик режалаштириш тажрибаси етарлича бўлиши тақозо қилинмоқда.

**Хулоса ва таклифлар.**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳозирги даврда ҳар бир олий таълим муассасалари стратегияларга асосланган бошқарув тизимида ишлашга мажбур бўлади. Аксарият ҳолларда стратегияларни белгилаш манфаатлар ва қизиқишилардан келиб чиқади. Хусусий олий таълим муассасаларида стратегияларни аниқ ва мукаммал ишлаб чиқилади ва аксарият ҳолларда, стратегик мақсадлар сир сақланади. Лекин, давлат олий таълим муассасаларида стратегиялар, асосан, юклатилган масъулият ва жавобгарликлардан келиб чиқади. Шунга кўра, ҳар бир олий таълим муассасасининг ўз стратегиясини

### 3-расм. Олий таълим билан қамров ва таълим сифатини таъминлаш.

Соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини **50%**дан ошириш, соҳада соғлом рақобат мухитини яратиш;

Олий таълим муассасаларида ўкув жараёнини босқичма-босқич **кредит-модуль** тизимига ўтказиш;

халқаро стандартлар ва миллӣ анъаналар уйғунлигига юқори малакали, замонавий билим ва кўнникмаларга эга, мустакил фикрлайдиган, ватанпарвар, профессионал кадрларни тайёрловчи, етакчи таълим ва илм-фан маркази – **Президент университетини** ташкил этиш;

хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, талаба-ёшларнинг академик фаолияти, муаммолари ва турмуш тарзи, ўкув жараёни ҳамда яратилган шароитлар бўйича талабалар фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида улар ўртасида ҳар йили республика миқёсида **миллӣ сўров** ўтказиш;

белгилаб олиши ва стратегик мақсад сари иш олиб бориши учун раҳбар кадрларнинг етарлича ваколатлари мавжуд. Шундай экан, манфаатлар ва жавобгарликларни уйғунлаштира олишда раҳбар кадрлар ўз бошқарув маҳоратига таянади.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, муаллиф томонидан қуидаги таклифлар шакллантирилди:

– мамлакатдаги ҳар бир олий таълим муассасасида таълим сифатини такомиллаштиришга қаратилган стратегияларни ишлаб чиқиши;

– ушбу стратегияларни ишлаб чиқиша олий таълим муассасаси рейтинги, молиявий ҳолати ва профессор-ўқитувчиларнинг таълим бериш сифатини ҳисобга олиш;

– олий таълим муассасалари рейтингини тузишда сўровномаларга асосланиш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари олий таълим стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш таълим хизматлари сифатини оширишга олиб келади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистан Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. 2020 йил 23 сентябрь. <https://lex.uz/docs/5013007>
2. Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистан Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси. 2016 йил 21 октябрь. // «Ҳалқ сўзи», 2016 йил 22 октябрь.
4. <http://data.worldbank.org/indicator>.
5. Драницын Н.П. Проблемы управления системой высшего образования в Японии // Университетское управление. - 2002. - 1. - С. 70-79

6. Зайцев Н.Л. Экономика, организация и управление предприятием: Учеб.пасабие. - 2-е изд. - М.: ИНФРА-М, 2008. - 455 с
7. Ирадов М.И., Разумов СВ. Создание системы управления качествам подготовки специалистов в ВУЗе // Университетское управление. - 2003. - 2. - С. 90-95.
8. Иванов М.М., Калупаева СР., Кочетков Г.Б. США: управление наукай и нововведениями. — М.: Наука, 1999. — С. 23
9. Макарова И.К. Управление человеческими ресурсами: пять уроков эффективного HR - менеджмента. - М.: Дела, 2007. - 232 с
10. Панова А.А. Структура управления и принятии решений в российских вузах // Вопросы экономики. - 2007. - 6. - С. 94-105
11. Абдурахмонов К.Х. Мөхнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Олий ўқув юртлари учун дарслик. - Т.: Mehnat, 2004. - 672 б
12. Рахимова Д.Н., Арипов А.Н. ва бошқалар. Замонавий менежмент: назария ва амалиёт. - Т.: Фоур ғулом ижодий уйи, 2011. – 56,7 б.т
13. Рахимова Д.Н., Касимова Н. Принципы управления персоналом в Японии. Потенциал современной науки. 2016. №4(21). С.111-117
14. Хадиев Б.Ю. Совершенствование системы управления вузами в современных условиях // Иқтисадиёт ва таълим. - 2003. -1. - С. 14-20
15. Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги "2019-2021 йилларда Ўзбекистан Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5544-сон Фармони. / «Халқ сўзи», 2018 йил 22 сентябрь.
16. Лутфуллаев. Олий таълим муассасасида сифатни ва рақабатбардашликни таъминлашда стратегик режалаштиришнинг аҳамияти. // <http://www.erasmusplus.uz/images/shared/file/HEREs%20publication 202018202.pdf>
17. Chadwick, P. (1996), "Strategic management of educational development", Quality Assurance in Education, Vol. 4 No. 1, pp. 21-5.